ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БИРЛАШГАН ЯДРО ТАДҚИҚОТЛАРИ ИНСТИТУТИ

ИГАМҚУЛОВ ЗАФАР АБДУЖАББАРОВИЧ

ЭТА-МЕЗОНЛИ ЯДРОЛАРНИНГ 1,5 ÷ 2,1 ГЭВ/НУКЛОН ЭНЕРГИЯЛАР ОРАЛИҒИДАГИ p,d(^{12}C) – ТЎҚНАШУВЛАРИДА ҲОСИЛ БЎЛИШИ

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси. Тезлаштирувчи техника

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2018

УДК 539.172.12;539.172.17

Физика-математика фанлари доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации
доктора физико-математических наук (DSc)

Content of the dissertation abstract of the doctor (DSc)
on physical and mathematical sciences

Игамқулов Зафар Абдужаббарович
Эта-мезонли ядроларнинг 1,5 ÷ 2,1 ГэВ/нуклон энергиялар оралиғидаги p,d(^{12}C)-тўқнашувларида ҳосил бўлиши..... 3

Игамкулов Зафар Абдужаббарович
Образование эта-мезонных ядер в p,d(^{12}C) - соударениях в интервале энергий 1,5 ÷ 2,1 ГэВ/нуклон ……. 25

Igamkulov Zafar Abdujabbarovich
Eta-mesic nuclei production in p,d(^{12}C) - collisions in energy interval 1.5 ÷ 2.1 GeV/nucleon……..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……..... 56

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БИРЛАШГАН ЯДРО ТАДҚИҚОТЛАРИ ИНСТИТУТИ

ИГАМҚУЛОВ ЗАФАР АБДУЖАББАРОВИЧ

ЭТА-МЕЗОНЛИ ЯДРОЛАРНИНГ 1,5 ÷ 2,1 ГЭВ/НУКЛОН ЭНЕРГИЯЛАР ОРАЛИҒИДАГИ p,d(^{12}C) - ТЎҚНАШУВЛАРИДА ҲОСИЛ БЎЛИШИ

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси. Тезлаштирувчи техника

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2018

Диссертация Бирлашган ядро тадқиқотлари институтида (Дубна ш., Россия Федерацияси) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.inp.uz) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Малахов Александр Иванович,** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Лутпуллаев Сагдулла Лутфуллаевич,** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Артемов Сергей Викторович физика-математика фанлари доктори
	Курепин Алексей Борисович, физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Россия Фанлар академияси П.Н. Лебедов номидаги Физика институти**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-18; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____) рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. ((+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил “____”_____даги ____ рақамли реестр баённомаси).

М. Ю. Ташметов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

Р. Ярмухамедов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., профессор

И. Нуритдинов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда экзотик ядролар структураси хусусиятларини аниқлаш ва ядро муҳитидаги эта-мезонлар ва нуклонли резонансларнинг хоссаларини ўрганиш масалаларини ҳал қилишга катта ахамият берилмокда. Ядрода боғланган эта-мезонлар ва нуклонли резонанслар ҳақида маълумот олиш замонавий фундаментал ядро физикасининг юқори устуворли масалаларидан ҳисобланади. Эта-мезонли ядроларнинг боғланиш энергияси ва кенглиги ҳамда асосий модаларининг парчаланиш эҳтимоллиги каби хусусиятларини фақат юкори илмий – техник савиядаги экспериментлар орқали аниқлаш мумкин. Ушбу йўл билан олинган экспериментал маълумотлар эта-мезонлар ва нуклонли резонансларнинг ядро нуклонлари билан ўзаро таъсирлашув механизмларини аниқлаш, мавжуд назарий башоратларни ва зич ядровий моддада кирал симметриясининг тикланиш моделларини текширишда ўта муҳимдир.

Бугунги кунда жаҳонда тезлатгичлар ички нишонида ўтқазилувчи экспериментларда реакциялар ёритувчанлигини бевосита аниқлайдиган қурилмалар мавжуд эмас. Қўлланилаётган қурилмалар ва уларнинг илмий услублари ички нишондаги кечаётган ядровий реакциялар ҳақида тўғридан – тўғри маълумот олишга қаратилмаганлиги сабабли етарли аниқликдаги экспериментал натижаларга эришиб бўлмаяпди. Шунинг учун тезлатгичларнинг ички нишонида тадқиқот усулларини ишлаб чиқиш, экзотик ядролар структурасини ва нуклонли резонансларнинг ядро муҳитидаги хусусиятларини ўрганиш учун экспериментал қурилмаларни яратиш, ҳамда тезлатгичнинг ички нишонида реакцияларнинг ёритувчанлигини аниқлаш усулларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш учун мўлжалланган, нуклотроннинг нур дастасини ғалаён қилмайдиган қурилмани яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда экспериментал физиканинг турли йўналишларини ривожлантириш ҳамда дунё миқёсида фундаментал муаммоларни ҳал этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада ядро ва элементар зарралар физикаси йўналиши бўйича, хусусан тезлаштирувчи техника соҳасида мавжуд бўлган муаммоларни ечиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш, тезлатгичларда реакция ёритувчанлигини аниқлаш усулларини яратиш, ядро муҳитидаги турли мезонлар ва резонансларнинг хоссаларини ўрганиш, экзотик ядролар хусусияларини тадқиқ қилиш учун зарур қурилмаларни яратиш борасида сезиларли натижаларга эришилганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида атом ядроси ва элементар зарралар физикаси соҳасидаги назарий ва амалий изланишлар натижасида инновацион технологияларни жорий этиш орқали элементар зарралар массаларининг келиб чиқишини аниқлаш ва квант хромодинамикасидаги назарий моделларни текшириш

соҳасининг ривожланиш самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” Фармони, 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон“ Ўзбекистон Республикаси саноатининг 2011-2015 йилларда ривожланиш истиқболлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон “Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Экзотик ядролар структураси, ҳусусан эта-мезонли ядроларнинг хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича илмий тадқиқот ишлари дунёнинг қатор етакчи ядро тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртлари, жумладан, Гельмгольц номидаги оғир ионларни ўрганиш маркази (Дармштад, Германия), Юлих илмий тадқиқот маркази (Юлих, Германия); Россия Фанлар академиясининг П.Н. Лебедев номли физика институти (Москва, Россия), Бирлашган ядро тадқиқотлари институти (Дубна, Россия); халқаро Graal коллаборацияси (Гренобль, Франция); Томас Джеферсон миллий лабораторияси (Ньюпорт Ньюс, АҚШ), Брукхейвен миллий лабораторияси (Брукхейвен, АҚШ) ва Лос-Аламос миллий лабораторияси (Лос-Аламос, АҚШ); Осака университети (Осака, Япония)да кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Экзотик ядролар структураси хусусиятларини ва ядро муҳитидаги эта-мезонли ядролар ва нуклонли резонансларнинг хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича жаҳон миқёсида бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: эта-мезонли ядроларнинг мавжудлиги башорат қилинган ва ηN-тўқнашув жараёни учун сочилиш узунлиги $a_{\eta N}$ - нинг қиймати s-тўлқин яқинлашувида ҳисобланган (Лос-Аламос миллий лабораторияси, АҚШ), фотореакцияларда эта-мезонларнинг туғилиши бўйича дастлабки ижобий натижалар олинган (П.Н. Лебедев номидаги Физика институти, Россия), N*(1535) нуклонли резонанс ва эта-мезонларнинг ядровий муҳитдаги хоссалари ўрганилган (Осака университети, Япония), фотореакцияларда эта-мезонларнинг парчаланиши бўйича сигнал олинган (Гельмгольц номидаги оғир ионларни ўрганиш маркази, Дармштад, Германия), эта-мезонларнинг синглет компонентаси аромати аниқланган ва эта-мезон структураси бўйича маълумот олинган, эта-мезон ва ядронинг боғланган системаси сочилиш узунлиги $a_{\eta N}$-нинг қиймати назарий баҳоланган (Франция, Германия, Россия халқаро коллаборацияси доирасида), фотореакцияда туғилган эта-мезонли

ядроларнинг парчаланишидан ҳосил бўлувчи жуфт зарралар қайд қилинган (П.Н. Лебедев номидаги Физика институти, Россия).

Эта-мезонли ядроларни ўрганиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: эта-мезонли ядроларнинг таркибидаги η-мезон ва S_{11}-резонансларининг энергетик сатҳи ва унинг кенглигини ўлчаш; ηN-таъсирлашув амплитудасини аниқлаш; ядроларда S*N* →NN жараённи тадқиқ қилиш; ядровий муҳитнинг ядрода боғланган з-мезон ва S_{11}-резонанси хусусиятларига (массаси, яшаш вақти) таъсирини ўрганиш; ηN-таъсирлашув потенциалини ядровий муҳитдаги η-мезон ва S_{11}-резонанснинг массалари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш; эта-мезонларнинг енгил ядроларда ҳосил бўлиш имкониятларини ўрганиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дастлабки эта-мезонли ядроларни излашга бағишланган эксперимент 1988 йилда америкалик олимлар A.M. Chrien ва бошқалар томонидан (Брукхейвен миллий лабораторияси, АҚШ) амалга оширилган, бунда $\pi^- A \rightarrow pX$ реакциясида M_X масса етишмовчилиги спектри ўрганилган. Ўша даврда илгари сурилган назарияга асосан кенглиги 5 - 10 МэВ атрофида бўлган чўққининг мавжудлиги кутилган. Аммо экспериментда бундай чўққи қайд этилмаган ва бунга сабаб деб, эта-мезоннинг боғлиқлик ҳолатининг хусусий кенглигининг катта бўлишлиги хамда қолдиқ ядронинг уйғонган холатда колиб кетишлиги деб топилган.

Эта-мезонли ядролар парчаланиш маҳсулотларини (корреляцияланган πN жуфтликлар) қайд этишга асосланган эта-мезонли ядроларни излашнинг муқобил (альтернатив) усули россиялик олимлар Г.А. Сокол ва В.А. Трясучевлар (П.Н. Лебедев номли Физика институти, Россия) томонидан тавсия этилган. Ушбу ғояга асосланиб, Россия Фанлар академиясининг Физика институти электрон синхротронининг фотонлари дастасида эксперимент амалга оширилган, корреляцияланган жуфтликлар туғилишининг баъзи белгилари қайд этилган, лекин эта-ядролар бўйича маълумот олинмаган. Эта-мезонли ядроларнинг парчаланиш маҳсулотларини ионлар ва протонлар дастасида ўлчаш немис олимлари томонидан (Гельмгольц номидаги оғир ионларни ўрганиш маркази ва Юлих илмий-текшириш маркази, Германия) амалга оширилган, аммо ушбу экспериментлар ижобий натижа бермаган.

Электрон тўплагичида электрон-лазер сочилишидан ҳосил бўлувчи фотонлар ёрдамида туғиладиган эта-мезонли ядролар хусусиятларини ўрганиш имконияти Халқаро Graal коллаборацияси доирасида (Гренобль, Франция) кўрилган, лекин ушбу тажрибалар ўтказилмаган.

Нуклотроннинг ички нишонида юз берадиган реакцияларнинг ёритувчанлигини аниқлаш учун дельта-электронларни қўллаш имконияти россиялик олимлар А.С. Артемов ва бошқаларнинг (Бирлашган ядро тадқиқотлари институти, Дубна, Россия) назарий ишида кўрилган. Электронларни селекция қилиш учун икки магнитли анализаторни қўллаш

ғояси [1] таклиф этилган ва дельта-электронларни селекциялаш учун индукцияси $\vec{B} \approx 0{,}6$ Тл магнит майдонини яратиш зарур бўлган. Бирок шу майдоннинг ўзи дастанинг тезлашишини сусайтириб юборишга олиб келиши мумкинлиги ва бошка техникавий муаммолар ва мураккабликлар туфайли реакцияларнинг ёритувчанлигини аниқлаш учун дельта-электронларни қўллаш ғояси амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бирлашган ядровий тадқиқотлар институтининг илмий-тадқиқот ва халқаро ҳамкорлик ишлари режаларининг, 02-1-1087-2005/2017 рақамли «Нуклотронда, SPS ва SIS18 ускуналарида релятивистик оғир ва енгил ионларни тадқиқ қилиш физикаси» мавзусидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади экзотик ядролар структурасини ва ядро муҳитидаги эта-мезон ва нуклонли резонансларнинг хоссаларини экспериментал аниклашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нуклотроннинг ички нишонидан тўқсон градусга яқин ёки кичикроқ бурчаклар остида учиб чиқаётган зарядланган зарраларни қайд қилиш ва таҳлил қилиш учун икки елкали магнитсиз спектрометрни яратиш;

ички нишондан тўғри бурчаклар остида бир вақтнинг ўзида қарама қарши томонларга учиб чиқаётган жуфт зарраларни (энергияси ва учиб чиқиш бурчаги бўйича корреляцияланган) ўлчаш, ҳамда фон ўлчовлари учун қайд қилиш бурчагини ўзгартира олиш;

нуклотроннинг ички нишонида юз берадиган реакциялар ёритувчанлигини ўлчашнинг универсал ва қўлланилишда қулай бўлган усулини ишлаб чиқиш;

нуклотроннинг ички нишонидан аниқланган бир бурчак остида учиб чиқувчи дельта-электронларни қайд қилиш ва селекциялаш орқали реакциянинг ёритувчанлигини аниқлаш қурилмасини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ички нишон ядроларининг тезлаштирилган ядролар билан ўзаро тўқнашуви натижасида вужудга келадиган жараёнлар, ҳамда уларда ҳосил бўладиган экзотик ядроларнинг ҳусусиятлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини нуклотроннинг ички нишонидаги pA- и dA-реакциялари вақтида юзага келадиган резонанс структуралар ва экзотик ядролар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ички нишон усули ёрдамида нишоннинг учиб келаётган ядролар билан ўзаро таъсирлашуви натижасида ундан отилиб чиқаётган иккиламчи зарралар қайд қилинади. Режалаштирилган дастур доирасидаги эта -мезонли ядроларни излаш экспериментининг шароитида ва

[1] Артемов А.С., Афанасьев С.В., В.С. Алфеев и др. Схема и расчет магнитного анализатора электронов для исследований по релятивистской атомной физике на внутренних мишенях нуклотрона // Письма в ЭЧАЯ. - 2007. -Т.4, № 3(139). -С.434-442.

тегишли реакциялари учун DST маълумотлари йиғилади, уларга кейинчалик ишлов берилади. Маълум бир физикавий жараёнлар учун олинган ушбу экспериментал маълумотлар кейинчалик таҳлил қилиниб, моделлаштириш (GEANT, RQMD ва бошқа моделлаштириш дастурлари ёрдамида) маълумотлари билан таққосланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дейтронлар дастаси энергияси 2,1 ГэВ/нуклон бўлган $d^{12}C$-таъсирлашувда эта-мезонли ядроларнинг ҳосил бўлиши тўлиқ кесимининг $\sigma_\eta = 11 \pm 8$ μb янги экспериментал қиймати олинган;

нуклотронда учиб келаётган дейтронлар дастасининг уч хил энергияси (1,5; 1,9 ва 2,1 ГэВ/нуклон) ўртача қиймати учун экзотик углерод ядросида ҳосил бўлувчи $S_{11}(1535)$-резонансининг боғланиш энергияси $E_g(S_{11}) = (50.3 \pm 20)$ МэВ га тенг бўлиб, бу қиймат $S_{11}(1535)$-резонансининг парчаланишидан туғилувчи π^-p-жуфтликлар эффектив массалари спектрида кузатилган чўққи (1484.7 ± 20) МэВ/c^2 кўрсатгичидан ҳисобланган ва чўққининг кенглиги (36.1 ± 9) МэВ/c^2 га тенг эканлиги аникланган;

$S_{11}(1535)$-резонанси η-мезон билан нуклон қўшилиши натижасида пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда (нуклоннинг боғланиш энергияси $\Delta m = 7.3$ МэВ), экзотик углерод ядросидаги η-мезоннинг боғланиш энергияси учун янги $E_g(\eta) = (43 \pm 20)$ МэВ қиймат олинган;

нуклотроннинг ^{29}Cu ва ^{47}Ag ички нишонлари учун дельта-электронларни ўлчаш орқали топилган реакция ёритувчанлиги ва ҳақиқий реакция ёритувчанлиги орасидаги пропорционаллик коэффициентини аниқловчи алгоритм таклиф этилган ва учиб келувчи дейтронларнинг E_d=326÷366 МэВ/нуклон энергияларида ҳақиқий ёритувчанликнинг ўртача қиймати мис нишони учун $\bar{L}_e(dCu) = (0,9 \pm 0,03) \times 10^{30}$ см$^{-1}$·с$^{-1}$ ва кумуш нишони учун $\bar{L}_e(dAg) = (0,27 \pm 0,012) \times 10^{30}$ см$^{-1}$·с$^{-1}$ қийматларга тенглиги аниқланган;

нуклотроннинг ички нишони учун Δ(1232)-резонансининг ҳосил бўлиш кесимини баҳолашнинг янги усули тавсия қилинган ва учиб келаётган протонларнинг турли хил кинетик энергиялари учун σ_1=13,15 mb (T_{p1}=1,4 ГэВ), σ_2 = 10,80 mb ($T_{p\,2}$= 1,7 ГэВ), σ_3 = 9,86 mb (T_{p3} = 1,9 ГэВ) қийматлари олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нуклотроннинг турли ички нишонлари ва тезлаштирилувчи ядролари учун реакция ёритувчанлигини аниқлашнинг универсал усули ишлаб чиқилган ва нуклотроннинг ички нишонида рўй берувчи реакциялар ёритувчанлигини диагностика қилиш учун махсус ярим ўтказгичли ΔE-E детектори яратилган;

ядровий муҳитда боғланган η-мезон ва нуклонли резонансларнинг ҳусусиятларини тадқиқ қилиш ва экзотик ядроларнинг структурасини ўрганиш учун мўлжалланган икки елкали СКАН қурилмаси ва унга икки босқичли электроника тизими ишлаб чиқилган ва яратилган;

протонлар ва зарядли пионларни (S_{11}(1535)-резонансининг парчаланишидан ҳосил бўлувчи) қайд қилишнинг юқори самарадорлигига эришилган, уларнинг импульслари диапазонида пионлар учун ~90% ва протонлар учун~ 95% кўрсатгич олинган ва TOF-тизимининг ажрата олиш рухсати ~150 ps қийматга тенг эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги биринчи галда экспериментал маълумотларнинг катта статистикаси (нуклотроннинг бир неча йиллик сеансидаги маълумотлар) билан, зарраларни массаси бўйича аниқроқ идентификациялаш ҳамда уларнинг импульслари ва тезликларини катта аниқликда ўлчаниши билан; экспериментал маълумотларга ишлов беришда ва таҳлил қилишда ҳаммабоп статистика усулларини қўллаш, ҳамда натижаларни изоҳлашда инклюзив ва эксклюзив ёндашувларнинг ишлатилиши билан; экспериментда олинган маълумотларнинг экзотик ядроларни тадқиқи бўйича ўтказилган бошқа эксперименталар натижаларига ва асосий назарий ишларнинг хулосаларига мос келишлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижаларнинг экзотик ядролар структураси ва ядровий муҳитдаги эта-мезон ва нуклонли резонансларнинг ҳусусиятлари бўйича маълумотлар базасини тўлдириши ва такомиллаш-тириши; назарий моделларни яратишда ва ион тезлатгичларида экзотик ядроларни излаш бўйича экспериментларни амалга оширишда қўлланиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, таклиф этилган реакция ёритилганлигини аниқлаш усули ва унга яратилган қурилма тезлатгичларда қўйиладиган эксперименталр аниқлигининг ошишига ва янада мукаммалроқ ускуналарнинг яратилишига асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эта-мезонли ядроларни p,d(^{12}C)-тўқнашувларда ҳосил бўлиши бўйича бажарилган ишлар асосида:

нуклотроннинг ички нишонидан маълум бурчак остида учиб чиқувчи дельта-электронлар ёрдамида pA-, dA- реакцияларининг ҳақиқий ёритувчанлигини аниқлашнинг универсал усули Росссия Бирлашган ядро тадкикотлари институтининг юкори энергиялар физикаси лабораториясида бир неча нуклотрон сеанслари даврида қўлланилган. Олинган натижалар асосида Бирлашган ядровий тадкикотлари институтининг халқаро ҳамкорлик дастури доирасида «Хорий Хулубей» номидаги Миллий физика ва ядровий технологиялар институтига (Бухарест, Руминия) оптималлаштирилган ярим ўтказгичли ΔE-E детектор вариантини ишлаб чиқариш учун техник буюртма тайёрланган (Бирлашган ядро тадкикотлари институтининг 2017 йил 14 декабрдаги 010-43/545-сонли маълумотномаси). Илмий-тадкикот натижаларининг қўлланиши Юкори энергиялар физикаси лабораториясининг нуклотронида қўллаш учун янги ярим ўтказгичли ΔE-E детекторни ишлаб чиқариш имконини берган;

дельта-изобара туғилиши кесимини баҳолаш усули ва олинган натижалар нуклотроннинг ички нишонида эта-мезонли ядроларнинг ҳусусиятларни тадқиқ қилишда қўлланилган (Бирлашган ядро тадкикотлари институтининг 2017 йил 14 декабрдаги 010-43/545-сонли маълумотномаси). Илмий-тадкикот натижаларининг қўлланиши уч елкали СКАН-3 қурилмасини яратиш имконини берган;

эта-мезонли ядроларнинг $d^{12}C$-таъсирлашувда ҳосил бўлиши тўлиқ кесимининг қиймати, экзотик углерод ядросидаги эта-мезон ва S_{11}-резонансининг боғланиш энергияларининг аниқланган янги қийматлари Россия Фанлар академияси Физика институтида назарий ҳисобларда қўлланилган (Россия Фанлар академияси Физика институтининг 2017 йил 14 декабрдаги 11220-9311-1650-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши эта-мезонли ядролар хусусиятлари, эта-мезон ва $S_{11}(1535)$-резонансининг ядро муҳитидаги хоссаларини ўрганиш бўйича янги тадкикотларни режалаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та халқаро анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш нашр қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шулардан 8 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 159 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруратлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсадлари ва вазифалари тавсифланган, тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари равшанлаштирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги тушунтирилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг амалда жорий қилиниши ва уларнинг апробацияси ҳамда диссертациянинг таркиби тўғрисидаги қисқача маълумот бериб ўтилган.

Диссертациянинг **«Эта-мезоннинг ядро билан боғланган ҳолатининг ҳосил бўлиши шартлари ва уни дунёнинг турли тезлатгичларида излаш»** деб номланган биринчи бобида ички нишонлар ёрдамида амалга оширилган экспериментларнинг умумий классификацияси келтирилган. Қутбланмаган ядролар дасталари ва стабил ядролардан иборатнишонлар ёрдамида бажарилган эксперименталь ишлар қисқача тахлил қилинган.

Эта-мезонли ядроларни излаш ва тадқиқ қилиш, ядро муҳитидаги эта-мезонлар ва нуклонли резонансларнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича асосий назарий ва эксперименталь ишлар изоҳланган. η-мезон ядролари ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланишига туртки бўлувчи ядро физикасининг айрим муаммолари кўриб чиқилган, жумладан, ечилиши керак бўлган долзарб масалалар санаб ўтилган:

-η-мезонли ядро таркибидаги η-мезон ва $S_{11}(1535)$-резонанслар учун E_g энергия сатҳларини ва уларнинг Γ_g кенгликларини ўлчаш;

-ηN таъсирлашувнинг амплитудасини аниқлаш;

-ядроларда S*N* → NN жараёнини ўрганиш;

-ядрода боғланган ҳолатда бўлган η-мезон ва $S_{11}(1535)$-резонансларнинг хусусиятларига (массаси, яшаш даври) ядро муҳитининг таъсирини ўрганиш;

-ядрода таъсирлашувчи зарраларнинг (η-мезон ва $S_{11}(1535)$-резонанси) масса-си ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ηN-таъсирлашувнинг потенциалини аниқлаш;

-камнуклонли η-мезонли ядролари, яъни A<4 бўлган η-мезонли ядроларнинг ҳосил бўлиши имкониятларини тадқиқ қилиш.

GSI илмий маркази (Германия) ионлар тезлатгичида, Юлих илмий тадқиқот маркази (Германия) қурилмасида ва Graal коллаборацияси (Франция) қурилмасида, ҳамда Осака университети (Япония) нинг Spring-8 қурилмасида, Россия Фанлар академиясининг Физика институти (Россия) Пахра синхротронида эта -мезонли ядроларни ўрганиш истиқболлари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **«Нуклотроннинг ички нишонидан учиб чиқувчи иккиламчи зарраларни қайд қилиш усулларини ишлаб чиқиш»** деб номланган иккинчи бобида нуклотроннинг ички нишонида эта-мезонлиядроларни излаш ва реакциянинг ёритувчанлигини аниқлаш учун яратилган услуб ва эксперименталь қурилма батафсил тавсифланган. Барча

физикавий эксперименталар Бирлашган ядро тадқиқотлари институти Юқори энергиялар физикаси лабораториясида нуклотронининг ички нишонлари станциясида ўтказилган ва ушбу боб давомида нишонларни ишлатиш амалиёти ва ички нишонлар станциясининг ўзи тавсифланади.

Аввал таъкидлангандек, атом ва ядро физикасида тезлатгич ички нишонларини ишлатадиган кўпчилик физикавий эксперименталарда (масалан, эта-мезонли ядроларни излашда), реакция ёритувчанлиги L_c(см$^{-2}\times$с$^{-1}$) ни назорат қилиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Ушбу масалани ҳал қилиш учун, ядролар дастаси билан таъсирлашаётган нишондан учиб чиқувчи дельта-электронлардан фойдаланиб, нуклотроннинг ички нишонидаги реакциянинг ёритувчанлигини аниқлашнинг янги усули таклиф қилинган. Дельта-электронларни қайд қилишда, ушбу мақсад учун махсус яратилган (1-расм) яримўтказгичли ΔE-E детекторини қўллаш тавсия этилган:



1-расм. ΔE – E–детекторнинг схемаси: 1) ΔE(Si) детектори, 2) S3590-08 PIN фотодиоди, 3) CsI(Tl) ноорганик сцинтилляцион кристали, 4) детекторнинг дюралюминийлик корпуси; PA1 ва PA2-таъминот ва сигнал кабеллари

Яратилган икки елкали СКАН қурилмаси, унинг параметрлари ва хусусиятлари алоҳида тавсифланган. Ушбу қурилма эта-мезонли ядроларининг парчаланишидан ҳосил бўлувчи корреляцияланган (πp,pp) зарядли зарраларнинг тадқиқоти учун мўлжалланган.

Спектрометрик қисм (P_1-P_5 ва K_1-K_5) 180^0 бурчак остида сочилаётган πp ва pp-жуфтликларни текшириш учун мўлжалланган. У иккита бир хил елкалардан (P-елка ва K-елка) иборат бўлиб, тезлатгичнинг дастаси бўйлаб мос равишда ўнг ва чап томонларда жойлашган (2-расм).



2-расм. Йиғилган СКАН экспериментал қурилмасининг икки елкали варианти схемаси

Спектрометрнинг ишлаш принципи, зарранинг берилган база узунлигини учиб ўтиш вақти (ΔT) бўйича унинг тезлигини ва кинетик энергиясини, ҳамда детекторнинг моддасида энергия ажралиши (E-ΔE) миқдорини ўлчашга асосланган (ΔT-E-ΔE идентификация).

Бўлим давомида маълумотларни қайд этиш ва йиғиш электроникаси таърифланади, СКАН қурилмасининг ўлчаш тизимива детекторларини калибровка қилиш алоҳида баён этилган.

Диссертациянинг **«Нуклотроннинг ички нишонида реакцияларнинг ёритувчанлигини диагностика қилиш»** деб номланган учинчи бобида ΔE–E яримўтказгичли детектор ёрдамида нуклотроннинг ички нишонида бўлаётган реакциянинг ёритувчанлигини L_c ($см^{-2}$ $с^{-1}$) аниқлашнинг янги усули таърифланади. Ушбу усулларга бўлган зарурат тезлатгичнинг ички (ипсимон ёки фольгали) нишонларини ишлатиш мобайнида, атом ва ядро физикасида физикавий жараёнларнинг кесимларини ўлчашда ва эта-мезонли ядроларни излашда яққол қўринади. ΔE–E детектори вакуумли ички нишонлар камерасидаион узатгичи ўқига нисбатан 64^0 қутбий бурчак остида ўрнатилган бўлиб, у нуклотрон ички нишонининг ионлар дастаси билан таъсирлашувидан учиб чиқадиган дельта-электронларни қайд қилади.

Вақт бирлиги давомида қайд этилган иккиламчи зарраларнинг сони dN/dΩ ва уларнинг ҳосил бўлиши дифференциал кесими dσ/dΩ (θ бурчаги остида) бир- бири билан қуйидаги ифода орқали боғланган:

$$\frac{dN}{d\Omega}(\theta) = L_c \frac{d\sigma}{d\Omega}(\theta) \qquad (1)$$

3-расмда нишонга олиш b параметрининг турли қийматлари учун, учиб келаётган ядро билан нишон электронининг жуфт кулон таъсирлашуви схемаси кўрсатилган.



3-расм. *а*) эркин электрон билан учиб келаётган зарранинг "соф" жуфт таъсирлашуви; б) нишонга олиш параметри b нинг қиймати ошиб бориши билан, нишон ядроси иштирокидаги таъсирлашув

Бу ерда, Z_p ва Z_t – мос равишда даста ядролари ва нишон ядроларининг зарядлари; β и β_0 – учиб келаётган ядронинг ва нишон электронининг тезликлари; θ_e–электроннинг учиб чиқиш бурчаги ва E_e– унинг дастанинг ядроси билан таъсирлашувидан кейинги кинетик энергияси; $\gamma = 1/(1-\beta^2)$.

$b \ll b_z$ ҳолатида нишон хусусий ядросинингмайдони Z_t таъсирини эътиборга олмаса ҳам бўлади ва $\beta_0 \ll \beta$ шартида электронни даставвал тинч

турибди деб ҳисоблаш мумкин. Нишон атомининг электрони учиб келаётган ядро билан таъсирлашувида, кинематика жиҳатидан, туб маънода δ-электроннинг θ_e учиб чиқиш бурчагига боғланган E_e энергияга эга бўлади:

$$E_e = 2m_e\frac{(\gamma^2-1)\cos^2\theta_e}{\gamma^2-(\gamma^2-1)\cos^2\theta_e} \qquad (2)$$

Унинг қиймати ўзаро таъсирлашувнинг нишонга олиш параметри (b) билан қуйидаги ифода билан боғланган:

$$E_e = (Z_p)^2\frac{2m_e}{\beta^2}\frac{r_e^2}{b^2} \qquad (3)$$

бунда Z_p-учиб келаётган зарранинг заряди, m_e- классик электроннинг массаси ва r_e-унинг радиуси.
(2) ва (3) ни бирлаштириб, ҳамда $d\sigma_e = 2\pi bdb$ ни ҳисобга олиб, куйидагини олишимиз мумкин:

$$d\sigma_e = 2\pi(Z_p)^2\frac{r_e^2}{\beta^4}\frac{\sin\theta_e}{\cos^3\theta_e}d\theta_e = (Z_p)^2\frac{r_e^2}{\beta^4}\frac{d\Omega}{\cos^3\theta_e} \qquad (4)$$

бунда $r_e = 2{,}82\cdot10^{-13}$см – электроннинг классик радиуси, $0 \le \theta_e \le 90^0$.

(4) формула бўйича ҳисобланган дельта-электронлар чиқишининг дифференциал кесимини ҳисоблаш натижалари 4-расмда келтирилган.



4-расм. Учиб келаётган дейтронларнинг E_d = 0,5; 1; 2 и 3,5 ГэВ/н энергияларида, δ-электронлар чиқиши дифференциал кесими $d\sigma_e/d\Omega_e$ ($см^2\cdot ср^{-1}$)нинг θ_e бурчакга (учиб келаётган зарранинг импульс ўқига нисбатан) боғлиқлиги

Юкори энергиялар физикаси лабораторияси нуклотронининг ички нишонида амалга ошириладиган экспериментлардареакция ёритилганлигини диагностикалаш усулини қўллаш имкониятлари муҳокама қилинган. Нишонга учиб келаётган дейтронларнинг Юкори энергиялар физикаси лабораторияси нуклотронига хос бўлган турли энергиялари E_d учун δ-электронларнинг ҳисобланган энергияси E_e ($\theta_e \approx 64^0$) келтирилган (5-расм).



5-расм. Дельта-электронлар энергиясининг Нуклотроннинг учиб келувчи дейтронлари энергиясига (электронларнинг нишондан учиб чиқиш $\theta_e \approx 64^0$ бурчаги учун) боғлиқлиги

Айтиш мумкинки, ички нишондан 64^0 бурчак остида учиб чиқаётган δ-электронларнинг энергияси платога $E_{emax} \approx$ 250 кэВ қийматида чиқиб олади. Қуйидаги 1-жадвалда ЛФВЭ нуклотронида учиб келаётган ядроларнинг қатор ишчи энергиялари (ГэВ·нуклон$^{-1}$) қиймати ва $\theta_e \approx 64^0$ бурчаги учун ҳисобланган $d\sigma_e / d\Omega_e$ (см^2·ср$^{-1}$) қийматлари кўрсатилган.

1-жадвал

Нишонга учиб келаётган протонлар энергиясига электронлар чиқиши кесимининг боғлиқлиги (протон учун Z_p = 1)

$\frac{d\sigma_e}{d\Omega_e}$,($\times 10^{-25} Z_p^2$)*	9,65	10,1	11,5	12,9	16,0	28,3
E_d, ГэВ/нуклон	6	4	2	1,5	1	0,5

*бунда Z_p^2 - учиб келувчи зарранинг заряди.

Нуклотронда тезлатилган ҳар хил зарралар учун, дельта-электронлар чиқишининг дифференциал кесимини осонлик билан ҳисоблаш мумкин. Дейлик, учиб келаётган ядро сифатида аргон Ar (Z_p=18) бўлса, унда дифференциал кесим $Z_p^2 = 18^2 = 324$ қийматни ҳисобга олган ҳолда топилади.

Шундан кейин, маълум бўлган формулалар асосида ички нишондан чиқадиган δ-электронларнинг кутилаётган сонини ҳисоблаш усули тасвирланади. Нуклотроннинг ишлаш цикли (T_c) вақтида, нуклотрон халқаси бўйлаб ҳаракатланаётган ядролар дастаси ва нишоннинг ўзаро таъсирлашуви натижасида ички нишондан чиқаётган δ-электронларнинг кутилаётган сони қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$\frac{dN_e}{d\Omega_e}(\theta_e) = \bar{L}_c T_c Z_t \frac{d\sigma_e}{d\Omega_e}(\theta_e), \qquad (5)$$

бу ерда $\bar{L}_c$ – цикл вақти бўйича ўртача ёритилганлик[1].

Умуман олганда, $d\sigma_e/d\Omega_e(\theta_e)$ миқдорни экспериментал аниқлашни амалга оширса бўлади, бунда фақат нишон қалинлиги t ва бир цикл даври давомида нишонга урилувчи ядролар сони N_0 ни етарли даражада аниқ назорат қилиш керак бўлади. Бундай ҳолда, битта компонентли ички нишондан учиб чиқувчи δ-электронлар сони қуйидагига тенг бўлади:

$$\frac{dN_e}{d\Omega_e}(\theta_e)|_c = t \cdot \frac{Z_t}{A_t} \cdot 6 \cdot 10^{23} \cdot N_o \cdot \frac{d\sigma_e}{d\Omega_e}(\theta_e), \qquad (6)$$

бунда t – нишон қалинлиги (г/см^2), Z_t, A_t – нишоннинг заряди ва атом оғирлиги.

Яримўтказгичли детектор билан ўтказилган дастлабки тажрибаларда, қалинлиги мос равишда 35 мг/см^{2}ва 21 мг/см^2 бўлган бўлган ^{29}Cu ва^{47}Ag нишонлари қўлланилган. Тезлаштирилган дейтронлар энергияси 326 МэВ/н дан 366 МэВ/н гача оралиқда бўлган, дастанинг интенсивлиги эса бир секундда I_d=(7÷ 7,9)×10^{9}га тенг бўлган.

^{29}Cu ва^{47}Ag нишонлари учун олинган экспериментал маълумотлар таҳлили, уч хил турли зарраларга мос келувчи учта алоҳида – cut 1, cut2 ва cut3 зоналар мавжудлигини кўрсатади. Ҳар битта зарралар гуруҳига мос келувчи ўз Гаусс функцияси мавжуд бўлиб, уларнинг сонини ҳисоблаб топиш мумкин, масалан, ҳар бир экспериментал бинда мавжуд бўлган зарралар сонининг суммасини ҳисоблаш орқали (6-расм).



6-расм. Дейтронларнинг E_d=342 МэВ/нэнергиясида Ag нишони учун олинган экспериментал натижаларнинг dE - E боғлиқлиги. Чизиқлар учта зарраларга мос келадиган учта соҳани ажратиб турибди: cut 1 − электронлар, cut 2 − протонлар, cut 3 – дейтронлар ва ундан оғирроқ зарралар

Электронларнинг кутилаётган чиқиши қуйидаги схема асосида ҳисобланади:

[1]Аникина М.Х., Афанасьев С.В., Анисимов Ю.С.идр. Программа исследований по физике η-мезонных ядер на нуклотроне ЛВЭ ОИЯИ //Препринт ФИАН.- Москва.-2003.–(с.21).

1. детекторга вақт бирлиги давомида тушаётган электронларнинг сони $N_e/t_{ўлчаш}$ аниқланади;
2. 64^0 бурчаги остида нишондан учиб чиқаётган электронларнинг умумий сони $dN_e/d\Omega_e(\theta_e)$ ни, детекторнинг бурчак аксептанси ($1{,}6 \times 10^{-5}$ ср)ни ҳисобга олган ҳолда, ҳисобланади.

Нишоннинг маълум бўлган қалинлигида ва материалида, ҳамда дастанинг маълум интенсивлиги N_0 (имп/сек)да, θ_e бурчак остида учиб чиқаётган электронларнинг кутилаётган сони формула(6) билан аниқланади. Шундан кейин, формула (1) ни ишлатиб ва $\frac{d\sigma_e}{d\Omega_e}$ ни билган ҳолда (1-жадвални қаранг), тезлатгичнинг цикли вақти бўйича реакциянинг ўртача ёритув-чанлигини $\bar{L}_c$ ($см^{-2}\cdot с^{-1}$) аниқласа бўлади. Шундай қилиб, нуклотрон ҳалқасида айланаётган дейтронлар дастаси билан ички нишоннинг ўзаро таъсирлашуви натижасида ҳосил бўладиган δ-электронларнинг кутилаётган чиқиш сонини ҳисоблаш, экспериментал маълумотлар N_e(exp.) ва формула (6) дан олинган N_e(calc.) бўйича 2 ва 3-жадвалларда келтирилган натижаларни берди.

2-жадвал

Тезлаштирилган дейтронлар дастасининг турли энергияларида кумушли ички нишондан чиқиши кутилаётган электронларнинг сони

Ag(MeV/n)	326	334	340	342	356
N_e(exp.)	$8{,}93 \cdot 10^4$	$1{,}02 \cdot 10^5$	$0{,}99 \cdot 10^5$	$0{,}93 \cdot 10^5$	$0{,}87 \cdot 10^5$
N_e(calc.)	$1{,}77\cdot10^8$	$1{,}79\cdot10^8$	$1{,}68\cdot10^8$	$1{,}67\cdot10^8$	$1{,}59\cdot10^8$

3-жадвал

Тезлаштирилган дейтронлар дастасининг турли энергияларидамис ички нишонидан чиқиши кутилаётган электронларнинг сони

Cu(Mev/n)	350	352	356	360	366
N_e(exp.)	$4{,}34 \cdot 10^4$	$3{,}9 \cdot 10^4$	$3{,}92 \cdot 10^4$	$4{,}23 \cdot 10^4$	$4{,}4 \cdot 10^4$
N_e(calc.)	$3{,}07 \cdot 10^8$	$3{,}0 \cdot 10^8$	$2{,}99\cdot10^8$	$3{,}14\cdot10^8$	$3{,}08\cdot10^8$

Олинган маълумотлардан айтиш мумкинки, кутилаётган электронлар чиқиши ((6) формула бўйича ҳисобланган) N_e(calc.) нинг экспериментал аниқланган электронлар сони N_e(exp.)га нисбати, бир хил нишон тури учун доимий ўзгармас бўлади ва учиб келаётган ядроларнинг энергиясига боғлиқ эмас. Бу ҳолатда, ^{47}Ag нишони учун ушбу нисбат қуйидагига тенг:

$$K_{Ag} = N_e(calc.)/\ N_e(exp.) = 1803 \pm 80 \qquad (7)$$

Реакциянинг ёритувчанлиги ички нишондан чиқиши кутилаётган электронлар сонига тўғри пропорционал эканлиги сабабли:

$$\bar{L}_e(calc)/\bar{L}_e(exp.) = N_e(calc)/ N_e(exp.) = K_{Ag},$$

У ҳолда, δ-электронлар бўйича аниқланувчи ёритувчанлик $\bar{L}_e(exp.)$ ва dAg – реакциясининг ҳақиқий ёритувчанлиги ўзаро қуйида муносабатда боғланган бўлади:

$$\bar{L}_e(dAg) = K_{Ag} \times \bar{L}_e(exp.) = (1803 \pm 80) \cdot \bar{L}_e(exp.), \qquad (8)$$

ва амалда K_{Ag} коэффициенти тезлатгичнинг учиб келаётган дейтронлари энергиясининг ўзгаришига боғлик эмас.

Худди ўша коэффициент ^{29}Cu нишони учун бошқа қийматда бўлади ва бу ерда реакциянинг ёритувчанлиги қуйидагига тенг:

$$\bar{L}_e(dCu) = K_{Cu} \times \bar{L}_e(exp.) = (7352 \pm 220) \cdot \bar{L}_e(exp.), \qquad (9)$$

ва худди шундай, K_{Cu}- ҳам тезлаштирилган дейтронлар дастасининг турли энергияларида ўзгармас қийматда бўлади.

Масалан, 2 ва 3 жадваллардаги маълумотларни ишлатиб, dCu реакцияси (E_d = 360 МэВ/н) учун ёритувчанликни (7-расм) аниқласа бўлади:

$$\bar{L}_e = (1{,}18 \pm 0{,}12) \times 10^{26} см^{-1} \cdot с^{-1} \ (exp.), \qquad (10)$$



7-расм. ΔE-E детекторларидан олинган экспериментал маълумотлар бўйича аниқланган ёритувчанлик қийматлари, яъни дельта-электронлар бўйича dAg- ва dCu- реакциялари учун

Дельта-электронлар бўйича аниқланган $\bar{L}_e$ ёритувчанликни (10 - ифода) K_{Cu} коэффициентга кўпайтирилса, унда реакциянинг ҳақиқий ёритувчанлиги топилади:

$$\bar{L}(dCu) = K_{Cu} \times \bar{L}_e = (0{,}9 \pm 0{,}03) \times 10^{30} см^{-1} \cdot с^{-1}, \qquad (11)$$

Ушбу бўлим давомида, дельта-электронлар усули асосидаги нуклотроннинг ички нишонидаги рекция ёритилганлигини диагностика қилишнинг келгуси ривожи бўйича қатор хулосалар қилинган.

Диссертациянинг **«Эта-мезонли ядролар ва нуклотроннинг ички нишони ядроларида туғилувчи экзотик ядроларни идентификациялаш усуллари»** деб номланган тўртинчи бобида экзотик ядроларни излаш ва уларнинг хусусиятларини тадқиқ қилиш келтирилган. Нуклотроннинг ички нишонидаги pA, dA – реакцияларда, эта-мезонли ядроларни излаш учун яратилган СКАН қурилмасида, изланаётган ҳодисаларнинг (эффектнинг) “кутилаётган чиқишини” ва қайд этиш самарадорлигини бошланғич баҳолаш муаммосининг ечими таърифланган. Бу масалани ҳал қилиш учун маълум бўлган реакцияни, масалан, pA-таъсирлашувдан кейин, қолдиқ ядрода тинч ҳолатдаги Δ(1232)-изобаранинг ҳосил бўлишини ишлатса бўлади. Кўрсатилган реакцияда, нишон ядросида Δ(1232)-изобара ҳосил бўлиш жараёни механизмларидан бири, эта-мезонли ядро шаклланиши йўлининг барча босқичларини такрорлайди. Юқорида кўрсатилган масалани ечиш мақсадида нуклотроннинг ички углерод нишони учун Δ(1232)-резонанснинг туғилиши кесимини баҳолашнинг янги усули ишлаб чиқилган ва нишон ядросида Δ(1232)-резонансининг икки босқичли ҳосил бўлишжараёни учун кинематик ҳисоблашлари ўтказилди. Ушбу усул, ички нишонга учиб келаётган протонларнинг (ёки дейтронларнинг) энергияси қийматига асосланиб, тинч ҳолатдаги Δ(1232)-изобаранинг ҳосил бўлиши тўлиқ кесимини баҳолашга имкон беради. Дельта-резонанснинг pA-реакцияда туғилиши тўлиқ кесимини баҳолаш, учиб келаётган протонларнинг ҳар хил кинетик энергиялари учун, қуйидаги қийматларни берди: σ_1=13.15 mb (T_{p1}=1,4 ГэВ), σ_2=10.80 mb (T_{p2} =1,7 ГэВ),σ_3=9.86 mb (T_{p3}=1,9 ГэВ). Нуклотроннинг ички нишонидаги pA-тўқнашувларида η-ядроларнинг ҳосил бўлишининг тўлиқ кесими ушбу усул бўйича ҳисобланганда, $\sigma_\eta(p^{12}C)$ = 3,3 μb га тенг бўлиб чиқди. Ҳисоблашлар (таклиф қилинган усул бўйича) η-мезонли ядролар парчаланишидан чиқувчи кутилаётган “воқеалар”(^{12}C нишони ва протонлар энергияси E_p~ 2 ГэВ/н учун) $Y(\pi^- p) \approx 133$ воқеа/соат қийматини беради.

Тўртинчи бўлим давомида эта-мезонли ядроларнинг хоссаларини нуклотроннинг ички нишонида тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар муҳокама қилинади, асосий ҳулосалар ва қоидалар таърифланган бўлиб, улар асосида тадқиқ қилинаётган η-мезонли ядроларнинг хусусиятлари ҳақида сўз юритиш мумкин. Мисол учун, учиб келаётган зарраларнинг энергияси бўйича (бизнинг ҳолимизда дейтронлар) η-ядролар ҳосил бўлишининг оддий ва етарлича ишончли критерияси деб *бўсаға эффекти* аталган. Навбатдаги критерий деб η-мезонли ядродаги S_{11}(1535)-резонанснинг ва η-мезоннинг *боғланиш энергиялари* кўрсатилади.

Бир неча йиллар давомида Юкори энергиялар физикаси лабораторияси нуклотронининг ички нишонлар станциясида олинган (икки елкали СКАН қурилмаси ёрдамида) экспериментал натижалар асосида, ядро муҳитидаги

нуклонли $S_{11}(1535)$ -резонанс ва η-мезон характеристикалари тахлил қилинган. Қуйида $S_{11}(1535)$ резонанси парчаланишидан ҳосил бўлувчи π^-p-жуфтликнинг эффектив массалари спектри бўйича, учиб келаётган дейтронлар дастасининг турли энергиялари учун, олинган натижалар келтирилган:

-дейтронларнинг бирламчи дастаси энергияси E_d= 1.5 ГэВ/н учун π^-p-жуфтликнинг эффектив массалари спектри чўққиси $M_{эфф}$ = (1480 ± 18) МэВ/c^2 характеристикага эга, унинг кенглиги эса 23 МэВ/c^2га тенг (8.а-расм);



8-расм. $S_{11}(1535)$-резонанси доирасида πр-жуфтликнинг эффектив массалари тақсимоти, учиб келаётган дейтронлар дастаси энергияси 1,5 ГэВ/нуклон (а) ва 1,9 ГэВ/нуклонлар (б) учун

-айни ўша чўққи дейтронлар дастасининг E_d= 1.9 ГэВ/н энергияси учун $M_{эфф}$=(1493 ± 4) МэВ/c^2 ва кенглик 38.3 МэВ/c^2 қийматларни кўрсатади (8.б-расм);

-дейтронлар бирламчи дастасининг энергияси E_d= 2.1 ГэВ/н учун (1481 ± 8.4) МэВ/c^2 белгида чўққи олинган, унинг кенглиги эса (47 ± 9) МэВ/c^2 га тенг бўлди (9-расм).



9-расм.Дейтронлар дастасининг 2.1 ГэВ/нуклон энергиясида танлаб олинган ҳодисаларнинг эффектив массалари спектри, $S_{11}(1535)$-резонансинингпарчаланишиданҳосил бўлувчи (π^-p)-жуфтлик учун

Юқорида олинган экспериментал маълумотлар асосида,ядрода боғланган $S_{11}(1535)$-резонанснинг парчаланишидан ҳосил бўлувчи E(π+p) йиғинди энергиялар тақсимоти максимуми ҳолатининг ΔE-энергиявий силжишини,

эркин $S_{11}(1535)$-резонансининг шу монанд тақсимоти максимумининг жойлашишига нисбатан, баҳолаш амалга оширилди. Якунида $S_{11}(1535)$-резонанси учун энергиявий силжиш қиймати, учиб келаётган дейтронлар дастасининг уч хил энергиясида, қуйидагича бўлди:

1. ΔE = 1535 МэВ – (1480 ± 18) МэВ = (55 ± 18) МэВ E_d= 1.5 ГэВ/н да;
2. ΔE = 1535 МэВ – (1493 ± 4) МэВ = (42 ± 4) МэВ E_d= 1.9 ГэВ/н да;
3. ΔE = 1535 МэВ – (1481 ± 8.4) МэВ = (54 ± 8.4) МэВ E_d= 2.1 ГэВ/н да.

Энергия бўйича ΔE га силжиш, худди шу қийматга η-мезонли ядрода боғланган $S_{11}(1535)$-резонанси массасининг, эркин ва ядрода боғланмаган $S_{11}(1535)$-резонанси массасига нисбатан, ўзгарганлигини англатади. Олинган натижалардан қўриниб турганидек, E_d= 1.5, 1.9 ва 2.1 ГэВ/н энергиялари учун ΔE қийматлари яқин бўлиб чиқди, ўртача (50.3 ± 20) МэВ га тенг ва кейинги ҳисоб-китобларда шу ўртача қиймат олинади. $S_{11}(1535)$-резонансининг (эта-мезонли ядрода боғланган)энергияси бўйича ΔE силжишни ўлчашдаги хатоликлар, π ва р- спектрометрларида зарраларнинг учиб ўтиш вақтини ўлчаш аниқлиги ҳамда тескари масалани ечишдаги хатолардан келиб чиқиб, баҳоланади. $S_{11}(1535)$-резонанси η-мезон билан нуклоннинг ядрода бирикиши натижасида ҳосил бўлишини ва нуклоннинг ядрода боғланиш энергияси Δm = 7.3 МэВ эканлигини ҳисобга олиб, ядрода боғланган η-мезоннинг масса дефекти қиймати топилди:

$$\Delta m(\eta) = (50.3 \pm 20)\ \text{МэВ} - 7.3\ \text{МэВ} = (43 \pm 20)\ \text{МэВ} \qquad (13)$$

Шундай қилиб, $S_{11}(1535)$-резонанснинг ва η-мезоннинг ^{12}C-углерод ядросида боғланиш энергияси (ёки масса дефекти) қуйидаги қийматларни беради:

$$E_g(S_{11}) = (50.3 \pm 20)\ \text{МэВ} \qquad (14)$$

$$E_g(\eta) = (43 \pm 20)\ \text{МэВ} \qquad (15)$$

